

ТОНГЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 53 (6795)
1997 йил, 12 июль, шанба

Сотувда эркин
нархда

Ўз ойлари

Қандай яхши ёз ойлари,
Пиннар арпа-бугдойлари,
Мафтун этар чиройлари,
Бунча яхши ёз ойлари.

Ҳосиллар ҳам мўл бўлади,
Боғу-роғлар гул бўлади,
Гулзорларда гул кулади,
Қандай яхши ёз ойлари.

Мева-чева пишиб ётар,
Тағларига гушиб ётар,
Завқдан кўнгил жўшиб ётар,
Қандай яхши ёз ойлари.

Ёзда салқин жойлар яхши,
Дарё, тоғлар, сойлар яхши,
Юлдуз, кўш, ойлари яхши,
Қандай яхши ёз ойлари.

Кўй-кўзилар маърашади,
Жону-жонзот яйрашади,
Боғда булбул сайрашади,
Қандай яхши ёз ойлари.

Тўқинчилик ёз фаслдир,
Фасллардан саз фаслдир,
Саодатга илҳом берган,
Қандай яхши ёз ойлари.

**Саодат ТОЖИ,
Қашқадарё, Қамаша
шаҳри.**



Таътил қандай ўтаяпти, болалик?

ҚЎШИҚ АЙТГИМ КЕЛАВЕРАДИ

Негадир санъаткорларга ҳавасим келади. Уларни телевизор ёки радио орқали куйлаётганларини кўрсам, худди ўзим қўшиқ куйлаётгандек қувониб кетаман. Бу йил мактабнинг 7-синфини тамомладим. Икки йилдан бери Чуст шаҳридаги музыка мактабига қатнаймаман. Машгулотларимиз ҳафтада 2 кун бўлади. Мен туғилган вақтимда дадам Гуломжон Ёқубовни яхши кўриб, исмимни Гуломжон куймоқчи бўлган эканлар. Лекин қўшнимизнинг углининг ҳам исми Гуломжон бўлгани учун уларнинг олдидан утолмабдилар. Аввалига уйимиздагилар музыкага қатнашимизга

бироз тўсқинлик қилишди. Уғил бола санъатдан бошқа соҳани танлагани маъқул, дейишди. Уларнинг бу гапларидан анчагача норози бўлиб юрдим. Бироқ, менинг қизиқишларим устун келди шекилли, дадам: «Уғлим, санъаткор бўлиш билан, тўйда қўшиқ айтиб юришнинг ер билан осмонча фарқи бор. Бу касбни танлаган одам Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби элнинг меҳрини қозона оладиган бўлиши керак», — деб қолдилар. Мен дадамларнинг бу гапларига қўшилиб, уз устимда купрок ишлашим кераклигини, бу соҳанинг ҳали очилмаган

қирралари куп эканлигини, уларни ўқиб урганишим кераклигини ҳис қилдим.

Мана, ҳозир айна таътил вақти. Яқинда оромгоҳда 16 кун дам олиб қайтдим. Янги-янги дўстлар орттирдим.

Уларга ўзим яратаётган қўшиқлардан айтиб бердим. Дўстларим-у, тарбиячиларимизга ҳам маъқул келди, шекилли, бирор кунги тадбирлар менинг қўшиқларимсиз ўтмади. Хуллас, дадам айтган санъаткорлар каби эл меҳрини қозониш учун ҳаракат қилияпман.

**Адхамжон КАЛОНОВ,
Чуст тумани, С. Раҳимов
номли 4-ўрта мактаб
ўқувчиси.**

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Еттинчи июль кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япония либерал-демократик партияси вице-президенти Ккейзо Обучи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари делегациянинг ушбу ташрифи мамлакатларимиз уртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришда муносиб аҳамият касб этишини таъкидлади. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония уртасида савдо алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимизнинг нефтьгаз, тоғ-кўн ва тўқимачилик саноати ҳамда комму-

никация, транспорт тизимини ривожлантиришда биргаликда саъй-ҳаракат қилиш ҳамда қатор бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра шу йил 25 августдан 2 сентябрга қадар Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» деб номланган халқаро мусиқа фестивали ўтказилади. ЮНЕСКОнинг халқаро маданий тадбирлари қаторига киритилган ушбу нуфузли анжуманда қирққа яқин давлатдан санъаткорлар келиб иштирок этиши кўтилмоқда. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида ўтказилган журналистлар билан учрашув-

да фестивалга тайёргарликнинг бориши, уни оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил этиш ва бошқа



тадбирлар билан боғлиқ масалалар хусусида суз борди.

УСТОЗЛАР СИНОВИДА

Жиззах вилоятининг Зомин туманида ўтказилган ёш ёзувчиларнинг анъанавий анжумани адабиётимиз келажакининг узига хос кўзгусига

айланди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган бу анжуманда барча вилоятлардан қирққа яқин ёш ижодкор иштирок этиб, наср, шеърят, драматургия, танқид ва адабиётшунослик борасида фикр алмашди, устоз адибларимиз суҳбатидан баҳраманд бўлди.

ЎЗБЕК КИНОСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида «Инсонга мурожаат» анъанавий халқаро кинофестивал яқунланди. Хужжатли, қисқа метражли фильмларнинг бу киноанжумани тарихида илк бор бош соврин — «Олтин кентавр» ҳамюртимиз, ре-

жиссёр Шухрат Маҳмудовга насиб этди. Жаҳоннинг таниқли киноусталаридан иборат нуфузли ҳайъат унинг «Қора кул» асарини фестивалнинг энг яхши фильми, деб топди.

ЁЛҒОН ГАПИРМАНГ!

Ёлгон инсон организмидеги купгина касалликларнинг асосий сабабчисидир. Бунини америкалик олим Брентон куп йил давомида тадқиқ қилиб аниқлади. Ёлгон-яшиқ билан бевосита алоқадор бўлган киши олимнинг ҳисоблашича, уйқусизлик ва мия фаолиятидаги турли бузилишларга дучор бўлади. Шу боис ёлгон гапиришга сира одатланманг.

*Ҳаётлар қанотидан
мактублардан*

РАНГИН ИПАКЛАР ОРАЛАБ



Менга кашта тикишни меҳрибон бувижоним ургатганлар. Улар: «Қиз бола ёшлигиданоқ уй туғишни, пазандачиликни, шунингдек, чеварлик ва кашта тикишни билиши керак», — дейдилар. Бир куни синфдош дугоналарим каштачилик тугарагига қатнашаётганликларини айтишди. Мен ҳам улар билан бирга бу тугаракка бора бошладим. Бизга кашта тикишнинг нозик сирларини тугарак раҳбаримиз Сожида опа меҳр билан ургата бошладилар. Ҳозир мен куйлак, халат, сочиқ ва дарпардаларга турли ипақлардан

нафис гуллар сола оламан. Бувижоним тиккан кашталаримни куриб, роса яйраб кетадилар. Бизнинг азалий нафис санъатимиз саналмиш миллий каштачилигимиз ҳар бир хонадонга чирой бағишлаб турса қандай яхши.

Сиз бизнинг Самарқандда ҳеч булганмисиз?

Келинчақларимизнинг уйларига кириб улар тиккан палаклар, дорпечлар, дастурмоллар ва сузаналарни куриб беихтиёр юрагингизда қадим-қадимдан момомерос бўлиб келаётган шарқона хунарларимизга нисбатан эътиқод пайдо булади. Сузимнинг бо-

шида менда каштачиликка булган беқиёс меҳрни бувижоним уйғотганлар, деб айтган эдим. Балки сиз билмасиз, бизнинг томонда илк бор қўлда тикилган ипақ ишлари оқар сувга оқизилади. Эмишки, шундай қилинса, урганилаётган хунарнинг сир-асро-

ларини эгаллаш осон буларкан... Мен биринчи марта матода қалдирғочни тасвирлаганман. Бувим: «Қалдирғоч эзгулик қуши, қанотларида юртимизга хайр-баракка олиб келади. Шунинг учун сенга айнан шу қушнинг суратини чизиб бераман. Яхши ниятлар қилиб тиккин», — дедилар. Эрталабгача шунақа қийналиб бармоқларимга игналар санчилиб булсада, оқ шоҳида учиб бораётган қалдирғочни тасвирлашга ҳаракат қилдим. Азонда ҳаяжонланиб бувижонимга кўрсатдим. Бувижоним куриб: «Баракалла, оппоқ қизим, жуда чиройли чиқибди, аста-аста урганасан. Кейин қўлинг ром булади. Ҳали сендан шунақа чевар каштачи чиқсинки,» — дедилар. Севинганимдан қалдирғочимни бағримга босганча, қишлоғимиз этагидан оқиб утадиган Даргом дарёси томон чошиб кетдим. Ва шарқираб оқётган сувга қалдирғочимни ташладим.

дирғочим сув юзида қанотларини ёйиб учиб кетгандек булди...

Ушандан буён мен ҳар баҳорда қалдирғочларни кутаман. Улар қанотларида юртимизга эзгулик, бахт олиб келгандек булади. Мен эса худди бувижоним айтганларидек, бугун ҳар хил чиройли гуллар, товуслар, шарқона безаклар тасвирини матога кучира оламан. Мен тиккан кашталарни қишлоғимиздаги дугоналаримга намуна қилиб курсатишади. Ҳатто айрим келинчақлар тиктириш учун менга палаклар, сузаналар, дорпечлар олиб келишади.

Ҳар гал қўлимга янги иш олганимда, оқар сувга ташлаган илк ишим Қалдирғоч сурати менга куч бағишлаётгандек булаверади.

Мен эса рангли ипақлар оралаб, унинг ортидан эргашаётгандек буламан.

**БАХТИГУЛ,
Самарқанд вилояти,
Тойлоқ туманидаги 6-
ўрта мактаб ўқувчиси.**



*Болалар бор бўлса,
Бағримиз бут доим.
Ёғилар ризқу рўз,
Барака, қут доим.*

*Болалар кулишса,
Демак бу олам шод.
Бу олам шод бўлса,
Демак, ҳар одам шод.*

— Биласанми, Тулқин! Уйимиздаги катта Олапар итни кумурсқа талаб, улдириб қуйибди.

— Шу ҳам гап булди-ю! Холамнинг кўтосдек ҳукинани чумолилар улдириб, гуштини ин-инларига ташмалаб кетишган.

— Бувимларга вентилятор ясаб бергандим, куйлак тикиб утирган машиналарини учуриб юборибди!

— Дадам суйган хурознинг дум патларидан холамлар

га елпигич қилиб бергандим, у билан иссиқда неваралари елпиган эканлар, икки яшар Нигора уйнинг шифтига учиб бориб, ерга тушибди.

варраги билан учирганида шундай даррилабдики, одамлар осмонда вертолёт учиб юрибдиёв, дейишибди унинг овозини эшитишиб.

— Мен Аҳмаднинг варрагига дардарак ясаб, епиштиргандим. Кеча уни осмонга уз

— Э ошна, уша дардаракни Аҳмаддан олиб, варрагимга қуйиб учиргандим, унинг овозидан боғимиздаги гилосларга кунган чуғурчуқлар қочиб

кетишди, мана бунга қойил қолгин!

— Кичик аравача ясаб, уйимиздаги даканг хурозни унга

МУЗҚАЙМОҚ БЕРГАН БОЛА ҚАНИ?

қушган эдим, худди тойчоқдек тортиб кетди.

— Бу янгиликмас. Биз анчадан бери митти хурозчамизни аравачага қушиб, ҳар куни бозорга икки тоғора гилос


Лоф демангу...

олиб борамиз, огайни!

— Ҳайвонот боғидаги маймуннинг боласига музқаймоқ бергандим, хушидан кетиб йиқилди-қуйди.

— Уша маймунчанинг онаси бугун йиглаб утирибди, музқаймоқ берган бола келса мен ҳам ердим, ҳеч ухлолмаяман, деб...

**Абдуҳамид
АБДУҒАППОРОВ,
Тошкентдаги 273-
лицей-мактаб
битирувчиси.**



БУҒДОЙ НОНИНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Буғдойни ун қилиб, хамир қориб, тандирда ёпиб пишириш ҳам уз-узидан келиб чиққан эмас, албатта. Аввалига донларни бошоғи билан чуғ устида қовуриб еганлар. Бу одат ҳали ҳам сақланади. Бунга маккажухорини думбул ҳолатида чуғда қовуриб ейиш мисол була олади. Кейинчалик донлар бошоқдан ажратилиб тош билан туйилган ёки қул тегирмонидан утказилган. Ана шу унни атала қилиб қайнатиб ейишган. Бу ҳам нон. Буғдой, макка ва оқ жухорини туймасдан қайнатса сира пишмайди. Аммо гуручни унга айлантормай қайнатилса яхшигина бутқа булади. Мана шу ҳам нон урнига утган. Хитой, корейс, ҳинди ва Осиё қитъасида

яшовчи бошқа халқларнинг пазандалигида қуруқ узи қайнатилган гуручни нон урнида бошқа овқатлар билан ейиш одати ҳанузгача давом этади.

Нонларни тандирда пишириш, хамиртурушнинг кашф қилиниши билан боғлиқ. Хамиртурушни қандай кашф қилингани тўғрисида ҳеч бир маълумотга эга эмасмиз. Шунинг учун тахмин қилишга тўғри келади. Эҳтимол тоғорада қолиб кетган хамирга тасодифан ачитқи бактерияси тушиб қолгандир. Негаки, ибтидоий одамлар кузга кўринмайдиган жониворлар — ачитқи бактериялардан фойдаланган эмаслар. Бироқ, хамирни уз-узидан кўпайиб, тоғорадан тошиб, уша даврдаги

Тасодифий, аммо оламшумул воқеа

нонвойларни ҳайратга солган булиши мумкин. «Нега пуфакчалар пайдо бўлапти?», «Ажабо, худди тирик нарсалар нафас олапти, кўпайпти?» Бундай саволларга у даврларда жавоб топа ололмаганлар албатта. Ачиган хамирни илоҳийлаштирган ва унга сизинган ёки «тирилган» хамирдан қурққан булишлари эҳтимолдан холи эмас. Чунки нонни улуғлаш, нон билан қарганиш одатлари жуда кўп халқларда ҳам ҳанузгача сақланиб келади.

Ачиган хамирдан бир зувлани чўққа ташлаб курган ибтидоий нонвой қарайдики, бурсилдоқ, юмшоқ пишибди, чайналиши осон. Бир оз нордон булса ҳам таъми мазали. Тасодифий булган бу кашфиёт инсоният учун гоят аҳамиятли булиб келди ва бундан буён ҳам шундай булиб қолаверади.

Дилноза УМАРОВА тайёрлади.

Тахририятимизга Ўзбекистонимизнинг турли бурчакларидан жуда кўпмактулар келяпти. Уларнинг аксариятида тенгдошларингизнинг туйғулари, ҳаяжонлари битилган шеърлар бор. Биз иложи борича улардан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Айримлари эса...

**Дунёда мен бир зарра,
Меҳрим унга юз қарра,** — деб ёзди Самарқанд вилояти, Жомбой туманидан Мавсума Холмирасова. Унинг жажжи тасаввурли дунёсида

гандай... Сирдарёлик Дилшопа Латипова, кашқадарёлик Улуғбек Турдиевларнинг шеърлари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Яна бир қатор шеърлар борки, уларда Ватанга садоқат, уни улуғлаш мадҳ этилади.

Ватан — бу буюк маъво. Унинг қадрини-қимматини англамоқ учун шоир булиш шарт эмас. Айни пайтда у ҳақда битилган шеър ҳам ниҳоятда самимий ва рост булмоғи лозим.

Нақадар азизсан юртим — жаҳоним,

лаш мумкин. Усмир ёшдаги ҳар қандай угил-қиз бу мукамбар олам гулларидан бир-бир баҳраманд бўлмоқчи булади. Шеърининг дунёси тасвир ва эзгулик билан гузалдир. Тасвир шундай булмоғи керакки, унда юракнинг суратини кўрмоқ мумкин булсин.

**Бутун олам завққа-нурга тўлганда,
Мен англадим тонгининг жўшқин ҳисларин,**

— дея баҳор тонгини тасвирлайди бухоролик тенгдошингиз Олимжон Шодиев. Емон эмас, аммо ҳамма бало шундаки, яхши ҳам эмас-да. Уринишлар, изланишлар яхши, фақат бир нарсани таъкидлашни лозим кўрардим. Уртача деган баҳодан қурқинг. Бу ланжлик дегани. Кейин аксарият шеърларда бир хил касаллик — шошқолоқликни кузатдим. Боз устига ҳар бир мактуб ва шеър муаллифи шу шеърини чиқаринг, деб талаб қўяди. Қарийб ҳамма хатларда бор шу талаб.

Талабингизни бажаролмаётганимизнинг сабабини тушунаётгандирсиз, меҳрибонларим.

Менинг ҳам шеърят муҳлиси сифатида сизлардан бир талабим бор. Йул-йўлақай туғилган, пала-партиш туғилган мисраларни топишиб, етишмагунча шеър ёздим деб уйлаб, тахририятга юборишга шошилманг. Самарқандлик тенгдошингиз Қамариддин Тиловов ёзганидай — **шеърят гўзал ва улғувордир.**

Мана шу гузаллик ва улғуворликка доғ туширманг.

Мен яхши биламан сизларнинг ичингиздан ҳам буюк шоирлар чиқади.

Юракларни титратувчи шеърлар ёзасиз... Шунингдек тахририятимизга ҳурматли уқитувчилар ҳам уз ижод намуналарини йўллашган. Биз иложи борича улардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Яна шунини айтиб утмоқчи эдимки, болалар дунёси, унинг рангин тасвирлари, акс этган шеърларгина бизнинг газетамиз саҳифасини бойитади. Наманганлик отахон Оташ Холмирасовнинг шеърларидаги болалик дунёсидаги узига хос завқлари акс этган

туйғулар бизни жуда қувонтирди.

**Чўпакчага кўниб турар,
Қанотларин ёйиб турар.
Болаларча сўриб турар,
Хўрозқандим, хўрозқанд...**

Зулхумор Жураева оддий қишлоқ аёли. Унинг шеърларида самимиятни кўриб, хурсанд булдик:

**Сўзлаганда овози
Худди кўнғирок.
Дадаси севиб дейди
Жажжи кўнғирок...**

Таҳлил

**Сархуш кечаларда юлдузлар қандил,
Вужудимда фарёд кўтарди-ку дил.
Инсон билмас сўзни тополмади тил.
Аччиқ ҳақиқатнинг ширин садоси,
Фақат ўз кўнглимнинг ўзим галоси...**



Ҳаваскор шоиримиз Қашқадарёда яшайди. Уйлаймизки, қишлоқ табиатидаги уйғоқлик, софлик қачондир унинг шеърларига ҳам кучади. Бухоролик Изомжон Муминов ва сурхондарёлик Эшпулат Ниёзовларнинг ҳам бизга йўллаган шеърларини ўқиб шу хулосага келдик.

Фарғоналик Дилрабо Асқарованинг шеърини қўлимга олиб уйлайлик қолдим. Шеър — бу ахир мадҳиябозлик эмасми, сингилжон, дегим келди. Ҳаётнинг кўзларига чуқурроқ қара, уни тушунгин. Ушанда ҳаётнинг узи тугал бир шеър эканлигини англайсан...

Жиззахлик синглимиз Хуршида Тангирова, бувайдалик Назира Маъмурова, гиждувонлик Феруза Қозоқованинг шеърлари ҳам ҳали гур, анча меҳнат ва гузал туйғулар билан бойитилиши кераклигидан дарак беради.

Шеърларни шарҳлаётимиз, кўзим бир шеърга тушиб қолди. Гуе чанқаган одам бир пиёла сувга дуч келгандек булдим. Мана шу бир пиёла сувни Сиз билан баҳам кўрмоқчиман:

Бу мисраларнинг автори қувасойлик тенгдошингиз Дилафруз Жураева. Унинг шеърятга кириб келатган юрак ларзалари тугенли, ифодали... Мана тонг еришиб келмоқда... Қаердадир сиз яна шеър ёзаяпсиз. Зеро, Ўзбекистондай масканда яшаб туриб, шеър ёзмазлик гуноҳдир. Шеър — бу завқ, шеър — бу ишқ, шеър бу — ҳақиқат. Мен шеър ёзаятган ҳар бир юракка тонгни тилайман...

ЮЛДУЗХОН.

Сиз шеър ёзасиз, Кўнглингизда тонг...

ги эндигина шаклланаётган тугенлар, уйлаймизки яқин-яқинларда мукамаллик билан бойийди.

Худди шу ҳолатни Навоий вилояти, Қизилтепа тумани Ойбек номли мактаб ўқувчилари Шерзод Жумасев, Гулчехра Норова ва Феруза Ашуровалар шеърларида ҳам кузатмоқ мумкин.

— Шеър — оппоқ қозоғга битилган кўнғил, — дейди гиждувонлик тенгдошингиз Шаҳноза Шукурова.

Унинг шеърларидаги рухий тетиклик одамга завқ бағишлайди:

Йиғлатиб қўлимга беради қалам,

Илҳомим дардига топгунча жавоб,

— деб ёзди яна бир шеърда у.

Агар ундаги туйғулар шу зайлда кетса, Шаҳнозадан умидимиз катта. Аммо ҳозирча ундаги ҳаётни кузатиш тасаввурларининг торлиги, шеърларнинг сиқиклиги шеърга ҳалақит бериб тур-

Гуллайвер, яшнайвер

Ўзбекистоним,

— деб шеър битибди андижонлик Дилдора Бегматова. Дилдора сингилчам Ватан ҳар қандай шеърга сизадиған дард эмас. У жуда баланд дард, у жуда юксак туйғу. Сенга А. Ориповни кўпроқ ўқишни тавсия қилардим. Таъбир жоиз булса албатта. Адабиётни, шеърятни фақат елгон туйғуларгина улдиради.

Сен буни яхши англагин. Кейин қолаверса ҳар қандай ясалган мисра шеър эмас. Шошилма, урган, изла...

Мен худди шу гапларимни гиждувонлик Гулмира Аминова, Хуршид Халилов, тошкентлик Гийс Комилов, қорақуллик Амрулло Нуруллоев, жиззахлик Нигора Усмонова, бухоролик Замира Тошева ва фарғоналик Ирода Давидоваларга ҳам тегишли деб уйлайман. Шеърятнинг йўли машаққатли йўл. Бу йўлда фақат ҳалоллик, руҳдаги кечинмалар, ростлик ва узни англамоқ билангина жон сақ-



ЭЪТИБОРСИЗЛАШМИ ЭКМИ

монига биноан «Соғлом авлод» жамғармасининг стипендиясига таъсис этилдим.

Бу буйруқ вилоят «Зиёкор» газетасида эълон қилинди. Шундан сунг мен март ойидан бошлаб, ҳар ойда 300 сумдан стипендия олишим керак эди. Лекин... ҳалигача бу пулни олганим йўқ. Нима учун? Наҳотки, раҳбарлари-

миз уз фарзандларига бефарқ қарашса? Бир неча жойларга мурожаат қилдим. Бир умидим сизлардан деб,

Гўзал НОРЧАЕВА,
Кашқадарё вилояти,
Усмон Юсупов тумани,
Миришкор қишлоғи,
Йўлдош Курбонов номли 6-ўрта мактабнинг
11-синф ўқувчиси.

Мен 1996 йил март ойида Республика иқтидорли болалар слётига муваффақиятли қатнашиб келдим. Шундан сунг вилоят халқ таълими булимнинг фар-

БУ ЙИЛГИ ҚИШ НИМА БЎЛАДИ?

Икки йилдан бери қиш совуқларида Синдорободдаги 10-ўрта мактабда ўқиш кунгилдагидек бўлмаётир. Бунинг сабаби газ босимининг ҳаддан ташқари пастлиги туфайли синфхоналарда ўқувчилар совуққа чидайолмай, ҳатто ўқиш ҳам бўлмай қоляпти. Газ пастлигидан иситиш қурилмалари меъёрида синфхоналарни исита олмайди. Айниқса, совуқ қаттиқ бўлган кунлари иситиш қурилмалари ичидаги сув музлаб қолиб, қувурларнинг ёрилиб кетиши холлари ҳам юз берган. Газ босимини қупайтириш масаласида мактаб маъмуриятининг мурожаат қилмаган ташкилоти қолмади, ҳисоб.

Болаларнинг меҳрибони «Зирапча»! Энди бу муаммони ҳал этиш ишига узинг бош қўшмасанг, фарзандларимиз бу йилги қишда ҳам мактабга боришга зириллаб турадилар. Бу тўғрида Сирдарё тумани газлаштириш идорасидаги ака-хонларни огоҳлантириб қўйсанг, газ босими меъёрида булар, деган умиддамиз!

Х. ЗУЛФИҚОРОВ,
Сирдарё вилояти.

УЙҚУДАГИ ҚУРИЛИШ УЙФОНАДИГАН БЎЛДИ

Азизим Зирапча! Агар эсиндан чиқмаган бўлса, 26 апрелдаги сонингда «Уйқудаги

ЗИРАПЧА

ҚЎЗИ ВА ТЎНКА

(масалча)

Бир жажжи қўнғир қўзи,
Ҳар ёнга тушиб қўзи
Дарахтзор бўлган ердан
Ўйноқлаб чопди бирдан.
У чопиб кетатуриб,
Тўнкага ўзин уриб;
Муккасидан йиқилди, —
Оёғин майиб қилди.
Дедики, шунда тўнка:

— Қараб юр сўлу ўнганга, —
Аввал йўлинг кўриб ол,
Сўнгра югур бемалол!

МУШУКЧА БИЛАН КИТОБ

Мушукча уйда қолиб,
Қўлига китоб олиб:
— Ўқишни билмасам ҳам
Адҳамдан қаерим кам!

Олим ҚўЧҚОРБЕКОВ

Китобни ўқий очиб, —
Деди-да, шунда шошиб
Бетларин варақлади, —
Ўқолмай, тирноқлади.
Чидолмай бунга китоб,
Аччиғи келиб шу тоб,
Йиртилиб ҳар бир бети
Мушукча шундай дебди:
— Мени ўқи, қийнама,
Йиртиб-тирнаб, ўйнама!

«ЗИРАПЧА»ГА САВОЛ

Қадрдон «Зирапча», сенга савол билан мурожаат этишга тўғри келди. Ҳозирги кунда телевидение орқали инсон ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонун-қоидалар пайдо бўлаётганлигини кўряпмиз. Аммо, бир нарсига тушунолмаётиман. Бу қонун-қоидалар биздек булажак ёш авлодларга ҳам тааллуқлими?

Каттакўрғон туманидаги Завқий номли 6-ўрта мактаб ўқувчиси.

ЖАВОБ:

Қамариддин, бу гап албатта, ёш авлодларга ҳам тегишли. Сабаби, мустақил юртимизда ҳамма нарса ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом этиб тарбиялашга қаратилган. Келажаги буюк мамлакатни соғлом авлод бошқаради, улар элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган билимли кишилар бўлиб стишадилар.

қурилиш» деган мақолачам босилганди. Унда Шаҳрихон туманидаги икки қаватли мактаб қурилиши бир неча йилдан бери тўхтаб қолганлиги ёзилганди: мақолача босилиб чиққанидан кейин «Дулана» деб аталадиган қишлоғимизга текширувчилар келишди. Жамоа ҳужалигимиз раиси ҳам

уйқудаги қурилишнинг аҳволига ачингандай бўдилар. Қисқасини айтганда уйқудаги қурилиш яқин орада уйғонадиган бўлди. Бунинг учун сенга мактабимиздаги барча ўқувчилар номидан миннатдорчилик билдираман. Катта раҳмат, сенга!

Агар иложи бўлса уйғона-

диган қурилишни узинг назоратга олсанг. Булмаса яна мутасадди қурилиш ташкилоти яна ухлатиб қўйиши мумкин.

Хушнуд КАРИМОВ,
Шаҳрихон туманидаги
Иброҳим Ҳикматов
номидаги мактаб
ўқувчиси.



Мактублар КЎТИСИ

туфайли бу ҳужалик «Вазир», «Дехқонобод», «Ўзбекистон»

ДАРЁ ЁНИМИЗДА, СУВИМИЗ ЙЎҚ,

доққина Амударё яқинида. Биз катталар ариқ сувидан ичишга урганиб кетдик, аммо, ёш фарзандларимиз-чи?

Илгари ҳужалигимизнинг номи узғариб, мустақиллик

деган ҳужаликларга булиниб кетди. Айниқса яна бир машғал ҳужалик «Коммуна»нинг номи «Намуна»га айланди. Сув масаласи бу ҳужаликда ҳам чатоқ. Бу ердаги болалар ҳам водопровод сувидан ичишни орзу қиладилар, билмадик, орзулари қачон рўёбга чиқаркин?

Болаларнинг энг сеvimли саҳифаси «Зирапча». Энди узинг бир Гурлан тумани ҳокимиятидаги ёшуллар билан очиқчасига гаплашиб кўр-чи, шояд сув масаласи ҳал этилиб, гурланлик болалар ҳам водопровод сувидан ичишса!

О. МАШАРИПОВ,
Хоразм вилояти.

«ПИЧОҚЧИ»НИ ТОПИШДИ

Ҳурматли «Зирапча»!

Агар эсингда бўлса, шу йил февраль ойида сенга «Пичоқчи қаерда?» деган танқидий хабар йўллагандим, у босилиб чиқди. Шундан кейин Пастдарғом тумани маорифидаги мутасадди кишилар «Пичоқчи»ни топишди, мактабимизни таъмирлаш ишига жонжаҳдлари билан киришишди. Бир неча йилдан бери қуримсиз бўлиб ётган мактабимиз чиройли бўлди қўйди. Аммо, «Дустлик» жамоа ҳужалигидагилар ўқувчиларнинг мактабга бемалол келишлари учун катта куча чеккасига йулақлар қуриш ишини пайсалга солиб туришибди. Эшитишимизча, ҳужалик раҳбарлари дон-дунни йиғиштириб олайлик, кейин бир иложини топармиз, деб юришганмиш. Ишқилиб, иложини топишсин-да, «Зирапча»!

Хафиз НАСИМОВ,
Самарқанд вилояти.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА Тахрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадаҳон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0447. 10960 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир Х. Аҳмедова.

• Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563

• Телефон:

• 33-44-25

